

## I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 18141,4 млрд.сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 2,5 фоизга тенг бўлди.

2018 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 119,3 фоизни ташкил қилди.

### Январь-декабрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд.сўм		2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>14 501,2</b>	<b>18 141,4</b>	<b>102,5</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	14 159,9	17 658,4	102,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	341,3	483,0	106,0
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>14 159,9</b>	<b>17 658,4</b>	<b>102,4</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	6 962,4	8 870,7	99,5
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2 353,3	2 998,4	106,7
саноат	1 679,0	2 124,4	107,5
қурилиш	674,3	874,1	104,5
<b>Хизматлар</b>	<b>4 844,2</b>	<b>5 789,3</b>	<b>104,4</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 113,9	1 376,7	105,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	976,5	1 055,4	105,0
бошқа хизматлар	2 753,8	3 357,1	103,8

## Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркибидаги улуши (фоизда)

Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (107,5%), қурилиш (104,5%), савдо, яшаш ва овқатланиш хизмати (105,4%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (106,3%) ҳамда тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 79,0 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2017 йил январь-декабрда 79,9 фоизни ташкил қилган.

2018 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 32,9 фоиз (2017 йил январь-декабрда 34,1 фоиз)ни ташкил қилди.

